



Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

ЖАЛЖ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган



1998 йил 16 апрель жума

Сотувда эркин нархда № 73 (1854)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

МИЛЛАТЛАРНИ
СОАТ
ПАЙШАНБА
ХАБАРЛАРИ

ХУШ ХАБАР

НАВРЎЗ УЙЛАРИ



Кутлуг байрам кунларида янги уйлар қилини олиб боришда. Унда бир-бирларига ҳазиллашиб «Наврўз уйлари муборак бўлсин!» деб кўйишмоқда.

Мустақиллик кўчасида фойдаланишга топширилган 26 хонадонга бу ҳашаматли уй «Уздавнефтмаҳсулот» акционерлик жамияти кўрган фойда ҳисобидан қурилади. Энг қувончлиси, мазкур жамият ҳисадорлари ва туман ҳокимлиги қарори билан шу уйнинг 8 та хонадони ногиронлар, нафақажўрлар ва кам таъминланган оила аъзоларига ҳам насиб этди.

ҲАМКОРЛИК

«ОРТЕЗ»НИНГ ЭШИКЛАРИ ОЧИЛДИ

Маълумки, республика Вазирлар Маҳкамасининг қарорига мувофиқ «Ўзбекистон Республикасининг ногиронларни реабилитация қилиш бўйича 1996-2000 йилларга мўлжалланган Давлат дастури» ишлаб чиқилган эди. Ушбу дастурдан келиб чиқиб вилоятларда протез-ортопедия марказлари тармоқларини, йирик кўп соҳали касалхоналар ҳузурида ҳамда ортопедия клиникалари таркибига ортопедия устахоналарини ташкил этиш кўзда тутилган. Дастури ҳаётида табиқ этиш мақсадида кеча Ўзбекистон травматология ва ортопедия илмий-тадқиқот текшириш институти қошида «Протеор» ўзбек-америка кўшма корхонасининг «Ортез» хонаси очилди. «Ортез» хонасида ногиронлардан буюртмалар қабул қилинади. Сўнгра таянч-ҳаракат воситалари ва мосламалари тайёрланади. Бу ердаги тайёрлов дастгоҳларининг барчаси АҚШдан келтирилган.

«Ортез» хонаси республика Ижтимоий таъминот вазирлиги ташаббуси, Американин «РОАЛ» компанияси ҳамда мамлакатимизда фаолият кўрсатган «Протеор» кўшма корхонасининг ҳамкорлигида ишга туширилди.

ЛУКМА

ЭГАСИ ЙЎҚ ЙЎЛ

Ҳам бўларканми, деб ажабланирсиз. Рост, биз томонга келсангиз кўрасиз, — дейди муштарий Н. Карвонюк. — Қерда экан, дейсизми? Китоб туманидаги Сарой қишлоғига борилганда йўлни аҳолини кўриб... неча йиллардан бери бирорта раҳбарнинг юраги ачимади. Биладик, ҳар кун шу йўлдан «расмий» эгалар ҳисобланмиш Разоқ Шайманов помидога жамоа ҳамда «Навбахор» жамоа ширкат ҳўжаиклари раҳбарлари қай аҳволда ўтар эканлар? Уч-тўрт йил аввал худди шу йўлдан автобус ҳам қатнаганди. Охири ДАНчилар томонидан позисиси тўғайли ёпилиди». Хуллас, эгасиз йўлга ҳозирча эга йўқ.

БОЖХОНА

ЯНГИ ВА ХИЛМА-ХИЛ...

— Кун кеча қорақалпоғистонлик божхона хизмати хўшимлари катта миқдорда озиқ-овқат ва кундалик эҳтиёж моллари қўнуниий йўла билан республикадан ташқариса олиб чиқилаётганда тўхтаиб қолдилар, — деб хабар қилади Давлат божхона қўмитаси хўдими Б. Ҳайдаров.

— ЗИЛ-133 русумли юк автомашинаси тўхтаиб текширилганда, ҳайдовчи — Ҳўжайли шаҳридаги «Исламхўжа» хўсуеий фирмасининг директори Исламиддин Ҳўжаниёзов икки нафар шерис билан юккониани хилма-хил товарлар билан лиқ тўлириганлиги аниқланди. Улар 17 хил маҳсулот, жумладан, шакар, гўрۇч, усимлак ёғи ва ҳатто, сакам юз минг сўмга 2668 донга соевун олишни ҳам унуттишмапти. Аммо энг асосийси — умумий қиймати қарийб 3 миллион сўм бўлган бу товарларни олиб чиқиш учун зарур хўжжат ва тўловлар неадир «сдан чиққан» кўринади. Ушбу ҳолат юзасидан жиний иш қўзғатилиб, суриштирув ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Телефонларимиз: 133-15-22, 133-52-55
133-07-48, 136-37-85

Соат миллиларини Норқобил ЖАЛИЛ кузати.

ОЙДИН КЎЧАЛАР

Пойтахтимизнинг академик Ҳабиб Абдуллаев ҳамда Файзулла Ҳўжаев кўчаларида таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда. Унда унда ортиқ қурилиш ташкилотлари фаолият кўрсатмаптир. Ушбу объект ҳаётий фойдаланишга топширилади.

СУРАТЛАРДА: таъмирлаш-қурилиш бошқармаси прораблари Бобоқул Бобоев (чапдан) ва Жалолдин Камолбековлар; кўча қурилишдан лавҳалар.



Муҳаммад АМИН (ЎЗА) олган суратлар.

ОЛИЙ МАЖЛИС СЕССИЯСИ ОЛДИДАН

«Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси» лойиҳасининг 15-моддасида «Никоҳ ёши эркеклар учун 18 ёш, аёллар учун 17 ёш этиб белгиланади» дейилган. Мен ўйлаб қолдим, ахир ўн саккиз ёшта кирган йигитларнинг оила боқиш учун қўлида ҳунари бўлмайдими, бу ёшда у эндигина мактабни битиради. Ўйлаб, хотини-ю, болаларини ота-онаси боқётган йигитлар қанча... Бунинг устига, худди шу моддада «Ўзрли сабаблар бўлганида, алоҳида ҳолларда никоҳга киришни хоҳловчиларнинг илтимосига кўра никоҳ давлат рўйхатидан ўтказиладиган жойдаги туман, шаҳар ҳокими никоҳ ёшини кўпи билан бир йилгача қамайтириши мумкин», дейилган. Бу-ку яхши-я, лекин худди шу

роқ қутилишни ўйлайдиган оналарни бу ёш келинлар олдига ОНАЛИК деб аталувчи машаққатли юмуш турганилиги ва уни бажармасликнинг ҳеч қандай илжи йўқлиги ҳақида огоҳлантириш мумкин. Бунга айтиш шифокорлик бурчим. Чунки хўзимат юзасидан кўп марта тўғов бўлаётгани, балогагга етмаган қизларда ҳомилдорлик даври 18 ёшдан ошганларга қараганда оғирроқ кечади. Боланинг эрта туғилиб қолиши, вақтида туғилган болалар ҳам нисбатан нимжон бўлиши каби нохуш ҳолатлар кўп учрайди. Айниқса, туғиш вақтидаги асоратлар, туғмайдинган бўлиб қолиш, болани жарроҳ ёрдамида туғдириб олиш, ички органларнинг яллиғланиши, ҳали нозик бўлган буйрак ва юракда тўсатдан касалликлар пайдо бўлиши каби ҳолатлар врачларни баъзан боши берк кўчага киргизиб қўяди.

ОИЛА МУСТАҲКАМ БЎЛСИН ДЕСАК

Мўътадил оналик даври 19 ёшдан бошланиши керак. Биринчи бола она 19-26 ёшга тўлганда туғилса, мақсадга мувофиқдир. Тиббиёт ҳўлосаси шуки, қизлар фақат 18 ёшдан кейин турмушга чиқишлари лозим. Шунингга баркамол онадан соғлом бола туғилади.

Кўзи бор онанинг орзулари оламжаҳон, ҳаваслари осмон қадар. Емоқ-ичмоқни ҳам ясаганини ҳам унутган, топган-тутганини сандиққа солиди, қизига сеп йиғди. Емон кўзлар тугул, ҳатто ой-у, қўёдан ҳам қизганиди қизини, иложи бўлса қўлини совуқ сувга урдирмасликка ҳаракат қилади. Карнай-сурнай овозини ошитса юраги орзиқиб кетади... Лекин ҳамма нарса ўз вақтида бўлгани яхши. Табиат қизларнинг 18 ёшда вояга етишларини мўлжаллабдими, демак унга буйсуношга мажбурмиз.

Мен «Оила кодекси» лойиҳасининг, 15-моддасини қайта кўриб чиқишни ва «Никоҳ ёши эркеклар учун 20 ёш, аёллар учун қатъий равишда 18 ёш этиб белгиланади» тарзда ўзгартиришни таклиф этаман. Токи шошқалоқ ота-оналар қизларини ҳимоя қилмас эканлар, уларни қўнуи ўз ҳимоясига олсин.

Муҳаббат ЙЎЛДОШЕВА, буювчи.

РАСМИЙ ТАШРИФ ОЛДИДАН

Туркия Республикаси делегация ҳамоҳ бўлиб Бош вазир Месут Йилмазининг мамлакатимизга расмий ташрифи олдидан ушбу даъватнинг Ўзбекистондаги элчихонасида матбуот анжумани бўлиб ўтди. Туркиянинг Ўзбекистондаги ўртақлик ва муносабатлар ҳўқарида гапирганда, аввало, мамлакатларимизни узоқ тарихий алоқалар бир-бирга чамбарчас боғлаб туришини таъкидлаш жоиз. Халқларимизнинг маданияти ўзаро уйғун, тиби ва дини бир. Икки давлат ўртасидаги сиёсий-иқтисодий, маданий алоқалар бугунги кунда ҳам тобора кенгайиб, мустақамланиб бораёт

тир. Икки томон ўртасида имзоланган «Абдий дўстлик тўғрисидаги шартнома»да Ўзбекистон — Туркия муносабатларининг аниқ тамойиллари ўз тажассумини топган. Матбуот анжуманида ўзаро муносабатларимиздаги ана шундай муҳим жиҳатлар ҳақида сўз борди. У. Алайдин ташрифдан қўзланган асосий мақсад ҳақида гапирар экан, Туркия Бош вазир Месут Йилмазининг Ўзбекистонга буюражак илк расмий ташрифи мамлакатларимиз ўртасидаги сиёсий-иқтисодий, маданий ҳамкорлигини янада ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этаганини таъкидлади.

(ЎЗА)

ҚУРИЛИШ СУРЪАТИГА ЭЪТИБОР

Кашқадарь вилоятида Шўртон газ-кимё мажмуи қурилишини назорат қилиш ва мувофиқлаштириш бўйича идоралараро комиссиянинг навбатдаги йиғилиши бўлди.

Уни Бош вазирнинг биринчи ўринбосари, мазкур комиссия раиси И. Жўрабеков бошқарди.

Йиғилишда мажмуа қурилишида амалга оширилган ишлар ва галдаги вазифалар муҳокама этилди. Қурилишга дахлдор республика вазирликлари, идоралари ва концернлари раҳбарларининг шу ҳақдаги ахборотлари тингланди. Бунёдкорлик ишларини янада жадаллаштириш, қўшимча иншоотлар ва бошқа муҳим объектларни белгиланган муддатда ишга туширишни таъминлаш юзасидан аниқ топшириқлар берилди.

Йиғилишда Бош вазир ўринбосарлари Р. Юнусов, Қ. Ҳаққулов, вилоят ҳокими О. Пармонов қатнашди.

А. ТАЙПАТОВ, ЎЗА муҳбири.

СОҲИБҚИРОНГА ЭЪТИРОМ

Мамлакатимизда буюк соҳибқирон Амир Темур таваллуд қилиб кенг нишонланмоқда. Тантаналар Тошкентдаги улуг бобоқалонимиз номи билан аталувчи хибдондан бошланди. Бу ерга корхона ва муассасалар, жамоатчилик вакиллари, ёшлар, фахрийлар, пойтахт меҳмонлари йиғилди. Амир Темурнинг шуқуҳ ва салобат баҳш этиб турган ҳайкали поғига анвойи гуллар қўйилди.

Байрам Темурийлар тарихи давлат музейи олдиданги майдонда давом этди. Унда сўзга чиққанлар бобоқалонимиз жаҳон цивилизацияси, илм-фани тараққийига уланган ҳисса қўшгани, унинг бебаҳо маънавий мероси миллий давлатчилигимизни мустақамлашда дастуриламал бўлаётганини таъкидладилар. Санъаткорлар концерти ва театрлаштирилган томошалар маросимга алоҳида файз ва шуқуҳ баҳш этди. Тантана қатнашчилари музейдаги Амир Темур ҳаёти ва фаолияти билан боғлиқ ноёб экспонатларни кўздан кечирди.

Тантаналарда Президентнинг Давлат маслаҳатчиси У. Раҳматов иштирок этди.

Самарқандда улуг бобоқалонимиз туғилган кун алоҳида фахр-ифтихор билан нишонланди. Зеро, ўз салтанатининг пойтахти Самарқандни обод қилиш, унинг шуҳратини оламга ёйишда ул зоти шарифнинг хўзимати гоёят каттадир. Шаҳарнинг бугунги чиройига ҳам унинг даҳоси тўғайли чирой қўшилмоқда.

Тантаналар эрталаб соҳибқирон номи билан аталувчи кўркам майдондаги бобоқалонимиз муҳташам ҳайкали поғига гул қўйилган бошланди. Амир Темур мақбарасида ҳазрат руҳи олдига таъзим бажо келтирилди.

Самарқандлик санъат усталари ва бадий ҳаваскорлик жамоалари катта дастурда концерт, театрлашган томошалар намойиш этди. Оқшом Ҳамид Олимжон номидаги вилоят ўзбек драма ва мусиқа театрида Амир Темурга бағишланган «Самарқанднома» спектакли кўрсатилди. Тадбирда вилоят ҳокими А. Мардиев қатнашди.

(ЎЗА)

ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИДА УЧРАШУВ

Финляндиянинг мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Европа ишлари ҳамда ташқи савдо вазирли Оле Норрбак раҳбарлигидаги делегация аъзолари Вазирлар Маҳкамасида ташриф олди.

Учрашувда Бош вазир ўринбосари Б.Ҳамидов ўзаро мулоқотларнинг муваффақиятли кечаётганидан мамнуният изҳор қилди. Музокараларда имзоланган ҳўжжатлар икки томонлама муносабатларнинг янада раванқ топиши учун муҳим омил бўлиши қайд этилди. Айни пайтда қатор соҳалар

да ҳали фойдаланилмаётган имкониятлар кўп эканлигига эътибор қаратилди. Финляндия делегацияси раҳбари Тошкентда ўтган савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон-Финляндия комиссияси мажлиси икки томонлама ҳамкорлигининг ривожланиши йўлида янги им

кониятлар очажанини таъкидлади.

Шу кун ушбу комиссия мажлиси якунларига доир Қўшма Баёнот имзоланди. Ҳўжжати Ўзбекистон ташқи иқтисодий алоқалар вазир Э. Ганиев ҳамда Финляндиянинг Европа ишлари ва ташқи савдо вазир О. Норрбак имзолади.

Тадбирларда Финляндия Ўзбекистондаги Факултода ва Мухтор элчиси Тайсто Толванен ҳозир бўлди.

БИТИМ ИМЗОЛАНДИ

Финляндиянинг мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Европа ишлари ҳамда ташқи савдо вазирли Оле Норрбак раҳбарлигидаги делегация аъзолари Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигидан бўлди.

Учрашувда ташқи ишлар вазирининг биринчи ўринбосари Ш. Ҳамроқулов меҳмонларга Ўзбекистон ташқи савдо маҳкамаси фаолияти, хорижий мамлакатлар билан

ҳамкорлик алоқаларини янада кенгайтириш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳақида гапириб берди.

Музокаралар чоғида Ўзбекистон-Финляндия муносабатларини ривожлантириш, ўзаро маҳсулот айирбошлаш ҳажминини кўпайтириш борасидаги масалалар юзасидан фикр алмашилди. Ўзбекистон Республикаси билан Финляндия Республикаси ўртасида икки томонлама солиққа тор-

тишнинг олдини олиш ҳамда даромад солиқларини тўлашдан бош тортишни бартаф қилиш тўғрисидаги Битим имзоланди. Ҳўжжати Ўзбекистон Давлат солиқ қўмитаси раиси В. Беганов ва Финляндиянинг Европа ишлари ҳамда ташқи савдо вазир О. Норрбак имзолади.

Учрашувда Финляндиянинг Ўзбекистондаги Факултода ва Мухтор элчиси Тайсто Толванен ҳозир бўлди.

(ЎЗА)

Тошкентда «Ўзбекистон — Грузия» дўстлик жамиятининг таъсис мажлиси бўлди.

Унда жамиятнинг ташаббускор гуруҳи аъзолари, фан ва маданият намояндалари, жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Дўстлик жамияти таъсис этилди

Таъсис мажлисида бошқарув органлари ҳамда даъват аъзолари сайланиб, жамият Ниёзми қабул қилинди. «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акционерлик компанияси раиси Н. Эрдатов мазкур жамиятнинг раиси этиб сайланди. Таъсис мажлисида Грузиянинг мамлакатимиздаги Факултода ва Мухтор элчиси Гови Абдушевнинг ҳозир бўлди.

ФАРМОН ИЖРОСИ ТАЪМИНЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик судининг навбатдаги пленуми бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 4 мартдаги «Ҳўжалик юртувчи субъектларнинг иқтисодий ноқуроллиги ва шартнома мажбуриятларининг бажарилиши учун мансабдор шахсларнинг жавобгарлигини кўчайтириш тўғрисида»ги Фармонини ҳўжалик судлари фаолиятида қўллаш билан боғлиқ масалалар, шунингдек, республика қўнуи ҳўжжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида Олий ҳўжалик судининг қўнуилик тартибиданги таклифлари муҳокама қилинди.

Пленум қатнашчилари ўтган муддатда Фармон ижросини таъминлаш борасида ҳўжалик судлари бир қатор ишларни амалга оширганликларини таъкидладилар. Хўсуван, атиги бир ой мобайнида корхоналарни ноқур аҳволга тўшиб қолиши, шунингдек, шартнома интизоми бузилишига дахлдор бўлган мансабдор шахслар устидан 50 дан ортиқ жиний иш қўзғатилди.

Пленумда ушбу Фармон мансабдор шахсларнинг жавобгарлигини кўчайтирибгина қолмай, балки республикада ҳўжалик судлари зиммасига алоҳида масъулият юклаши таъкидлаб ўтилди.

Пленум ишида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазир С. Мирсаёев, республика Бош прокурори Б. Мустафоев, Ўзбекистон Олий суди раиси У. Мингбоев иштирок этди.

Мурод АЛИМ, «Халқ сўзи» муҳбири.

Ўзбекистон тарихининг гоат масъулиятли даври кечаётган ҳозирги паллада иқтисодий юқалиши ва фаровонликка эришиш билан баробар миллий моданий ва маънавий қадриятларга хурмат-эътиборнинг аҳамияти катта.

Халқимизнинг миллий маънавияти деган тушунча жуда серкиррадири. Биз куйида ўқувчининг эътиборини масаланинг бир қиррасига, аниқроғи, дин ва диний қадриятларга қаратмоқчимиз.

Маълумки, ҳозирги Ўзбекистон ҳудуди инсонларга илк бор диний тасавурулар ва ақидалар пайдо бўлган энг қадимий ўлкалардан биридир. Тош асрининг ўрталарида аждолларимиз орасида турли хайвонлар ва Қўшга топиниш одат бўлган. Кейинроқ ўлкада фетишизм, анимизм, афсунгарлик (магия) каби динлар тарқалди. Бронза ва темир асри бошларида эса рух ўймайди, балки нарги дунёда яшашда давом этади, деган тасавуру вужудга келди. Шунга биноан майит билан бирга турли ашёлар, озиқ-овқатлар, ҳатто бир неча хизматкор-қулни қўшиб одат тусига кирди.

Ташқи дунё билан алоқалар ривожланиши натижасида қадимги Ўзбекистон ва у билан chegarados ҳудудларда вақти келиб мураккаб системага айланган динлар тарқала бошлади. Булар жумласига зардуштийлик, буддийлик, христианлик ва ғудийлик кирди.

Кўпчилик мутаассилар зардуштийликнинг асл ватани деб Марказий Осиё, аниқроғи, Хоразми кўрсатмоқдалар. Умуман олганда, зардуштийлик заминда Марказий Осиё шариатидаги ҳаёт тарзи — ўтrock дехқончилик ва кўнаниш чораворлик ўртасидаги зиддият этади. Бу дин дуализм, яъни икки худодалик асосланган бўлсада, Ахурамазда ва Анхра-Майно ягона ҳудо — чексиз замоннинг ўғиллари деб ҳисобланган ва шу жиҳати билан у кейинчалик монотеистик ғоялар ривожига шубҳасиз ҳисса қўшган.

Қушон ва Эфталитлар давлатлари даврида ўзбекистон ҳудудига бевосита Хиндустондан буддийлик кириб келди ва кенг илдиз отди. В. Литвинскийнинг таъкидлашича, Марказий Осиёда «хунармандчилик ҳонадони ва чорикорнинг кулбасига будда дини кириб борганди». Айтишларича, гўе Бухоро шаҳрининг номи «Вахора» (будда ибодат-хонаси) деган сўздан келиб чиқкан.

Ўзбекистонда исломдан олдин мавжуд бўлган динлар қаторида Шом (Сурия) ва Эрон орқали кириб келган христиан динининг нестерикан мазҳаби сезиларли ўрин тутган. Христиан жамоалари гуз, тўққизгизги каби баъзи кўнаниш турк қабилаларининг вакилларини ҳам ўз ичига олган. Академик В. Бартольднинг фикрича, VI асрда Самарқандда христиан епископи ва бевосита араблар келишидан олдин эса метрополити бўлган. Ҳозирги Тошкент ва Хоразм вило-

ларис ўрталарига келиб, яъни Мовароуннахр фатҳидан бир ярим аср ўтгач, ислом тўла ҳукмрон бўлди. Аммо объектив равишда Марказий Осиёнинг Араб халифалиги тарихига кириши керак тараққиёт учун яхши имконият яратди. Ўлкада иқтисодий юқалиш юз берди, дунёвий ва диний фанлар тез суръатлар билан ривожланди.

Ислом динининг мўим хусусиятларидан бири — уни қабул қилган халқлар вакилларига ислом ақидларини ишлаб чиқишда иштирок этиш ва мусулмон маънавий дунёсига ўз ҳиссасини қўиши имкониятини берганидир. У ўзига хос уч тараққиёт босқичи эки даврни ўтади. Биринчисини шартли равишда

Марказий Осиё учун маънавий ва ғоявий билимшаруишчи кўч ролини ўйнади. Суфийлар сарбдорлар ҳаракатида фалок катнашган беҳиз эмас. Амир Темур айнан мана шундай маънавий муҳитда дунёга келганди.

Ўз даврининг раъиз бўлган Амир Темур эътиқод ва маънавиятнинг катта аҳамиятини тўғри идрок этган. Энг аввало шунини таъкидлаш жоъзик, ўша аср муҳитининг тақозоси билан Амир Темур болаликдан диний тарбия қурди. Унинг отаси Амир Тарагай «олийжаноб мусулмон, фақиҳ ва дарвишлар ҳомийси» эди. Амир Тарагайнинг яқин дўсти ва тасавуфнинг йирик машоҳидларидан бири Амир Кулол эш Темур тарбиясида қучли таъсир қилган. Замонасининг йирик дин пешволари ака-ука Сайид Абу Маолий ва Сайид Али Акбарлар Темур билан мадрасада таълим бўлганлар. Ш. Али Яъдий Амир Темурни ҳақли равишда эътиқоди қомил инсон сифатида таърифлайди. Энг мўим, Амир Темур «ақли сунона ва жамоатга доим содиқ, ақидапарастлик, диний тарафашликка қатъий қарши бўлган. Манбалар гувоҳлик беришича, Амир Темур ислом динини ўзига хос, мутаассибликдан ҳоли, эркин тушунган. Қисқаси, унинг қомил эътиқоди бошқа динларнинг рад этиши ҳисобига бўлмаган ва бу жиҳатдан ҳам у нафақат ўз асри, балки ҳозирги замон кишиси учун ҳам намунадир.

Умуман олганда, «XX аср вабоси» — большевиклар инқилобига қадар бутун оламдаги сингари Ўзбекистон ҳудудида ҳам дин жаъимиятини маънавий озғич вазифининг баъжорик келди. Диннинг ҳалиқимиз тарихида, миллий дунёқараши ва ўзига хос, шарқона аънаёнлар шаклланишида тутган ўрнни бекъёсидир. Ватандошларимиз ал-Бухорий ва ат-Термизийнинг мусулмон дунёсига дилмаган одам йўқ. Хоразмлик аз-Замашарий кўй Йиллар Маккаи муқаррамада истиқомат қилиб, «Жоруллоҳ», яъни «Аллоҳга яқин киши» деган мўътабар номи олган. Бундай исомларни қўлаб келтириши мумкин.

Мустақиллик туфайли ўзгичимизни англаётган, маънавий қадриятларимиз қайта тикланаётган ҳозирги пайтда гуру билан бемалол айтишимиз мумкинки, ота-боболаримиз дин, имони, виҳдонли келган бизнинг минтақавий ислом динимиз ўзига хос, ўзбекона тўсга эга, яъни ўзбекчилик билан ўйгунлашбик келгандир.

Юқорида узоқ ўтмишдаги аждоқимиз Истами ҳоҳон ва бошбиз Амир Темурлар диний масалада кенгфел бўлганини таъкидлаган эдик. Тольёни қарангки, Тангри бизнинг авлода ҳам шундай баърикенг раббарни ато этди. Шу ўринда бир мўим нарсани эслатиш жоъзик. Хали собиқ Совет Иттифоқи тарихидада эканимиздаёқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг XII ҳажрик Биринчи сессиясида (1990 йил 24 март) Президент Исом Каримов халқимиз асрлар давомида мисқоллаб тўплаб келган миллий-маданий ва маънавий бойлигининг илдизлари-га эътибор бериш зарурлигини алоҳида таъкидлаган эди. Мустақилликка эришилгач, маънавий тикланиш масаласи давлат ички сиебасининг негизини ташкил қилди.

Келинг, Ўзбекистондаги давлат ва дин ўртасидаги муносабатларнинг ҳозирги ҳолати хусусида ҳоли бир кишининг фикри билан танишайлик. Москва ва Бутун Рус Патриархи Алексий II ҳаммага таниш. Бу араб «Виҳдон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Россия Федерациясининг янги Қонуни хусусида Президент В. Ёлиқонни ошқора ва кескин танқид қилганини инобатга олина, қанчалик мустақил фикрли экани аён бўлади.

МАЪРИФАТ ВА ДИН: КЕНГ ФЕЪЛЛИК ВА МУТААССИБЛИК

БИРИНЧИ МАҚОЛА

жа, жоҳилия асри арабларнинг баъзилари санамларга сизгини билан бир қаторда Аллоҳнинг мавжудлигига ҳам ишонганлар.

Истами ҳоҳон баърикенг ҳоким бўлиб чиқди. У ўлкада амалда бўлган барча динларга бемалол йўл қўиб берди. Балки у диний ҳараён объектив инсон иродаси унга эзгуи қилиш бейойда эканини англаб етгандир. Қандай бўлганда ҳам халқимиз диний тафаккури тараққиётининг ислом кириб келгунга қадарги бемалол йўлдан ортик динлар мавжуд бўлгани ва улар ўзаро адоватдан ҳоли экани билан халқроқларнади.

VIII аср бошида Мовароуннахрга ислом динининг кириб келиши учун муносиб замин яратилганди. Янги монотеистик дин ва маҳаллий динларнинг бир-бирига ўзаро сингизиши натижасида Марказий Осиё халқлари оннда ажиб ўзгариш (трансформация) юз берди: улар Аллоҳни жонудилари ила қабул қилганлари ҳолда, худди шу маънода, унга синониим сифатида Тангри атамасини ишлатишда давом этдилар.

Лекин араблар эгаллаган ерларнинг аҳолиси бир зумда мусулмонларга айланб қолди деб тасавуру қилиш хато бўлур эди. Академик В. Бартольднинг фикрича, Марказий Осиёда IX

лар мусулмон дунёсининг маънавий ҳаётига қўишлар, исломга ўз диний ахлоқий тасавурулари, ҳуқуқий нормалари ва одалларини олиб кирдилар. Хуллас, Мовароуннахр, Эрон, Шимоллий Африка, Хиндустон, Индонезия каби йирик тарихий-маданий минтақаларда ислом ўзига хос хусусиятлар

лоқ ва иқтимоий таълимотда фақат илгариги илоҳиётчиликларга тақлид қилиш мумкин деб эътироф этилганди. Аммо Мовароуннахрда «иқтилод»-тўхтамади, дейишга асос бер. Бухоридин Марғоний (вафоти 1197й.) ва унинг машҳур «Ҳидояси» бунинг ёркин мисолидир.

Мўғуллар истилоси (XIII аср) даврида Марказий Осиё маданити таъаззулга урадди. Аммо мўғулларга қарши озолиқ кураши ҳараёнидида минтақа аҳолисининг диний тафаккурида кескин ўзгариш юз бердики, бунинг натижасида яссавий, кубровий, нақшбандия каби суфийлик тариқатлари шаклланди. Марказий Осиё суфийлиги бу — ислом динининг янги бир босқичидир. Суфийлик тарихини тадиқ қилган йирик инглиз олими Ж. Тримингэм айтгандек, XIV асрда «суфийлик мўғуллар олдида обрӯс кетган уламолардан устуи келиб, ўз мавкеларини кўтардилар ва мазкур диннинг илгор вакиллари сифатида эътибор қозондилар». Демак, Марказий Осиё суфийлиги баъзилар ўйлаганидек «мистик-аскетик, ўз ҳоибига ўралиб қолган таълимот» эмас, балки даро талабига жавоб берган, мамлакатни озоқ қилиш мақсидига хизмат қилган, ҳаракатчанликка қорлаган ғоявий оқимдир. Бошқача айтганда, бу даврда ислом тасавуф шаклида



ИСОМ ДУНЁСИ

Республика Маънавият маркази ҳар қанча тасвия берсин, марказининг вилоят бўлимига чалдон тақлиф киритсин, жойлардаги раҳбарлар изн берсагина, эътибор қаратсагина, иш юради. Чунонки Фаргона, Қашқадарь, Наманган, Жиззах, Самарқанд вилояти раҳбарлари вилоят маънавият бўлимининг учун бино, транспорт, техника воситалари каби маблағ сарфланганидан шарт-шароитларни беками-кўст яратиб беришлар. Ҳатто ўз газеталарига ҳам эга.

Бизнинг ташкилот ҳали янги, энди-энди қаддини ростлапти. Маънавият ишларини ташкил ва тарғиб қилиш ҳамда шу юмушларни бир ташкилот сифатида бошқаршининг дастлабки тажрибаси бизнинг зиммасига тушди. Ҳозирча тинмай изланиш ва муаммолар ичидамиз. Бугун тилга олиб, яйраб айтадиган иш шу бўлидики, Қадрлар тайёрлаш бўйича Миллий дастурга маънавиятнинг фан сифатида ўқитиш киритилди. Бу маънавият эътиқод келажак эгаларини тайёрлаш сари қўйилган қутлуг қадамлар. Аммо ҳали бу фанга тааллуқли дарсликлар, қадрлар масаласи ўз ечимини кутмоқда.

Табиийки, янги бошланма иш ҳамма жойда бир хил ва сизлик кетмайди. Қимта бир ишора қийфа, қимга эса... Баъзан ширин, баъзан аччиқ бўлса ҳам таърири, бир-биримизни фаоллият сари қўзғотамиз!

Республика «Маънавият ва маърифат» жамоатчилиги маркази фаолиятини янада такомиллаштириш ва самардорлигини ошириш ҳақидаги Фармоннинг биринчи бандида «...Республика «Маънавият ва маърифат» жамоатчилиги марказининг жойлардаги бўлимлари ишини янада яхшилаш мақсидида ҳоқимликлар уларни икки ой муддат ичида тегишли бино, замонавий жиҳозлар, транспорт ва техника воситалари билан таъминланган. Айрим вилоятларда бизнинг бўлимларимиз ўз йўналишлари бўйича иш олиб боришмоляпти.

Фармоннинг биринчи бандида яна: «Жойларда маънавият билан болиқ ишларнинг амалга оширилиши учун бутун масъулият шахсан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоят, шаҳар ва туман ҳоқимлари, республикамиздаги барча вазирилқлар, идоралар, ташкилотлар биринчи раҳбарларининг зиммасига юклатилсин» дейилган. Аммо олти ой, бир йиллаб ўз ҳоқимининг қабулига киролмаган бўлим раҳбарларимиз бор. Улар ҳоқимининг маъфур

Олий ва ўрта махсус таълим вазирилиги яхши ният билан маънавият хоналари бўлсин деган тақлиф берди. Бу фикрдан жон олиб музейлар, кўрғазма заллари, маданий-маърифий ишлар қўлашга қўлаи хоналар ташкил қилган даргоҳлар бўлди. Асл маънодаги маънавият хоналари ташкил этила оласки, қанийди?! Аммо бу тақлифни ҳамма илиб кетди: туруқхонада-ю таксопаркада, шийпонда-ю фермаларда «Маънавият хонаси» деган ёзувлар пайдо бўлди. Даблурустан бериб қолсангиз, тўрт томонга киши югуртириб қалитни топиб келадилар. Кирасиз, республикамиз байроғи, Герби, Махфия матни, улук китоблардан кўчирмалар, жилдларда ҳужжатлар. Хона астойдил таъмирланган. Ганчлару буюқларнинг хили ишлатилган. Гуё шу билан бу даргоҳда маънавият яратилди...

Бир педагогика бўлим юртига киридик. Директорнинг юз-кўларига зўр бир янгиликни кўрсатадигандек гурур кўрасиз. Бизни маънавият хонасига етаклайди. Юқорида санаб ўтилган нарсалар бу ерда ҳам муҳабб. Қўшмача тарзда талабаларнинг қўли билан ясалган нарсалар, билим юрти тарихини акс эттирувчи фотосуратлар қўйилган. Хонага яинаб турган янги гилгалар солинган. «Бу хонадан қандай фойдаланасиз?» деган саволга «Маънавият дарсларини ўтатиш» деб жавоб берди. Аммо гиламларини ҳали ҳеч ким босмаганини кўрибни турибди.

Биролар, қўлингизда таҳсил қўраётган бўлажак ўқитувчилар сиздан кўр-кўроналик, ҳўжақўрсинга ишланши ўрганадими? Ниятингиз уларни маънавиятга қилиш эди-ку! Деворга илинган нарсалар ҳафта, ун кунда алмайиб, янгиланиб турса, бошқа гап. Бир-икки қўрилгач, ҳеч ким қарамай қўйилган, йиллаб турадиган бу нарсалар талабаларга нима беради? Уларни ёзган, чизганга чумолидай меҳнат қилишга тўқилган терларнинг уволи тутмайди-ми? Бинони дил билан беаш ҳам маънавият эмасми?

Маънавият иймон деганидир. У «Маънавият хонаси»дагина эмас, жами таълим-тарбия ишларининг мунаржасида бўлиши керак. Юзта созланган хонаси бўлисин, аммо талабаларни китоб ўқимай қўйган бўлса, таниш-билиш қилиб яхши баҳо олаётган бўлса ёки кимдир ўша ноҳалол баҳо қўйишни ўзига га эъ қўраётган бўлса, у ерда маънавият йўқ. Маънавият — иймон сует кетган жойда рўшнолик бўлмайди.

Турсунои СОДИҚОВА, республика «Маънавият ва маърифат» жамоатчилиги марказининг бўлим мудири.

МАЪНАВИЯТНИ КИМ ҚАНДАЙ ТУШУНАДИ?

қарилган. Бу ҳам маънавиятга муносабат! Маънавият бўлими халқ таълими, маданит бошқармаси, маҳалла, зиёлилар, диний ташкилот ва матбуот билан маънавият ишларини юриядиган, услубий тавсиялар, йўриқлар берадиган марказ бўлиши керак. Шу боис, тарбия, ташвиқот ва меҳр-шафқат билан шуғулланидиган жамоат ташкилотларининг мувофиқлашган кенгашини туман, шаҳар, вилоят маънавият бўлимлари қошида тузмақ доркор.

Хар уйнинг остонаси ва шу остонанинг аччиқ-чучуқ, яхши-ёмонга жавобгар эгаси бор. Бу — ҳоқимликдир. Қўларидиги ҳодимларининг ички имкониятларини очиш, уларнинг эъ орасидаги нуфузини кўтаришга қўмақ, рағбат ва ҳомийлик, айнаикса, ишларини назорат қилиб туриш шуларнинг қўлида. Биз жойлардаги бўлимларимизнинг тақдирини ўша раҳбарларга ишондик.

Шуро давридан қолган бир иллат бизни ҳалеганда тарк этмайтер. Бу куеурнинг, айнаикса, зиёлиларда тез-тез учраб туриши қўп таассубли. Куеурки, «ура-ура»чилик, шаклбозликдир.

Юқоридан бериладиган вазифа бир туртки, йўналиш тарзида берилади. Топширикнинг маъзини англаган ҳолда унга ижодий изланиш билан ёндошмоқ зарур. Ҳа ишалаётган жамоанинг руҳиятидан, маънавий ҳўтиёларидан ва мавжуд модлий шарт-шароитлардан келиб чиқиб иш юритиш жоъзик. Бир ийнинг бошини тутганда аниқ режа билан, шу юмуш қандай ҳосил беришини чамалаб, сўнг қўл урилмаса, бефарқидикдай гап. Маънавий фаолиятимизнинг мақсаду масалга ТАРБИЯ ВА ЯНА ТАРБИЯДИР. Давлатимиз маънавият учун очиб берган кен йўл уволи бўлмаслиги учун қадимларимиз мўлажби аниқ бўлмоғи шарт.

АКС-САДО

Боқий дунёнинг галати сир-сноатлари қўп. Инсон ўз табиатида уларнинг турли хил қиёсларини излайди. Гоҳ топади, гоҳ адашиб кетади. Айнаикса, унинг руҳиятидаги ўзгаришлар ҳайратанорликдир. Чунки у ҳар хил «одашимиз»лар силсиласида ўзлигини кашф этиб боради. Шу маънода газетамизда «Кўнглидаги бузилми» туркум мақолалари эълон қилинчак, қўпчилик ватандошларимиз ўз атрофида-ридаги воқеа-ҳодисаларга ҳолисона муносабат билдиришмоқда. Наманганда содир бўлган қўнглисиз воқеаларни кескин қоралаб, ўзларини ўйлантираётган мулоҳазаларни ўртага ташлашяпти. Қуйида улардан айримларини ўқувчилар эътиборига ҳавола қиламиз.

ОҚИЛОНА ЙЎЛНИ ИЗЛАЙЛИК

Убайдулло ҳожи ЛУТФУЛЛАЕВ, Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг Наманган вилояти бўйича вакили:

Яратганга беадал шукурлар бўлсинким, юртимизга мустақиллик билан бирга имон-этиқод, динимизга эркинлик кириб келди. 1991 йилга қадар Наманганда бор-йўғи 3 та жоъе мажсиди бор эди, ҳоли. Ҳозирги кунда шаҳримизда 30 дан ортик шундай мажсид ишлаб турибди. Президентимиз, ҳукуматиимиз мўмин-мусулмонларга жуда катта шарт-шароитлар, имкониятлар яратиб бермоқда. Биргина ҳаж сафарига бориш истагини билдирган мўминлар учун яратилган қўлабқўлабларни эсланг. Илгари бу биз учун қўл етмас бир оруз эди. Шукурки, истиқлол туфайли орузларимиз ушалади.

Аммо шундай бир шароитда динни ниқоб қилиб олиб, жиноятлар содир этилаётгани ниҳоятда ачинаридир. Вилоятимизда рўй берган қотилликлар ҳар қандай одамнинг қалбини ларзала солади, ҳар бир инсоннинг нафратини қўзғайди. Зеро, Ислом дини одаларни ёмон ишлардан мултақо қайтаради. Қуръони каримда «Бир одам қасдан бировни ўлдирса, бундай кишининг борадиган жойи абадул-абад жаҳаннамдир», дея Аллоҳ талолонинг газиби, лаянати зикр қилинган. Жаноб Расулulloҳ шундай насиҳат қилганлар: «Эй, инсонлар, сизлар бир-бирингизнинг қонингизни тўқшингиз, мулкингизни олиб қўйишингиз мултақо ҳаром қилинган».

Надуматлар бўлсинки, вилоятимизда фаол тарғиботчи Абдували Йўлдошев тузган ушшган жинорий гуруҳ аъзолари томонидан содир этилганлиги аниқланиб, уларни қидириш ишлари бошлаб юборилган эди. Тергов даврида аниқланишича, Абдували Йўлдошев Чортоқ тумани, «Ойқирон» қишлоқ фуқаролар йиғинидаги масжидлардан бирида имомлик қилган, лекин «Ваҳҳобий»лик нуқтан назарини одалардан онтига сингдирмоқчи бўлганлиги учун имомликдан қувилган экан.

Ушшган жинорий гуруҳнинг аъзоларидан Қодир Абдурахмонов («Авлиё»), Абдулла Эргашев, Аҳмадали Тўтаров, Йўлча Бойбобоевлар ҳам ушлариб, уларнинг қилмишлари фож этилиди, қонунга мувофиқ узоқ муддатларга озолиқдан маҳрум қилинди.

да мана шундай ҳодисалар содир бўлди. Дин ниқобидидаги жиноятчилар эзгу ниятлар учун эмас, фақат мол-дунё учун қон тўқдилар. Маҳалла-қўй буларни қўра-била туриб, бепарво бўлди. Ҳолбуки, жиноятчилар орамизда юриб, маҳаллаларда истиқомат қилдилар. Ҳадисларда таъкидланганидек, бир одамни ўлдиришга ёрдам берган, яримта қалима билан бўлса ҳам қўмақ берган кишига лаянатлар ёғилади. Шунингдек, Аллоҳ марҳаматидан умидини узган, яъни бенасиб бўлган кишигина қотилларга бошпана, нон, ош беради.

Шу ўринда яна бир ҳақиқатни айтиб ўтиш жоъзик. Фарзандлар тарбияси учун ота-оналар масъул. Қуръони каримда «Эй, иймон келтирган балдалар, ўзингизни ва фарзандларингизни дўзах азовидан қўтқаринг», дейилган. Демакки, ота-оналардан тортиб, маҳалла аҳлигача — ҳамма ёшларга тарбия бериш ва уларни тўғри йўлга солишга ҳаракат қилмоғи зарим.

НИҚОБЛАНГАН «РАҲНАМО»ЛАР

Ҳўш, қарийб 30 йил халқ учун ишлаб, пенсияга чиққан Набижон Абдуллаев, унинг хотини Ҳамидаҳон Абдуллаева, вилоят ҳоқимининг муовини Эркин Маматқўлов, тинчлик посбонлари Маррат Тошбоев, Шарифжон Туреунов ва Боқижон Убайдуллаевларга нисбатан жиҳод эълон қилинганми? Йўқ, Толиб, Абдували, Тоҳирлар ўларнинг қўра ниятларини амалга ошириш учун, пул топиш мақсидида шу ишларга қўл урганлар, уларнинг тили бошқа, дили бошқа. Ҳозир улар «Наманганда қўлаб диндорлар ҳибага олинди», деб жар солмоқдалар. Аслида-чи, ҳақиқатан ҳам шу жинорий гуруҳни зимдан қўлаб-қувватлаган, уларни узоқ вақт давомда яшириб келганлар, ҳаром йўлар — қишлар қони, кўз ёшлари эвазига топишган пулларнинг қадран келганлигини сурништирмай, ўз эҳтиёжлари учун ишлатиб юрганлар, жиноятчиларга бошпаналар бериб, сохта гувоҳномалар, паспортлар билан таъминланганлари учун ҳибага олиндилар.

ХАРАКАТ ХАВФСИЗЛИГИ ОЙЛИГИ ЯКУНЛАНДИ

НАТИЖАЛАР ЧАККИ ЭМАС

Республика Вазирлар Маҳкамасининг фармойишига биноан ўтказилган Харакат хавфсизлиги ойлиги низоҳасига эътибор...

Рақамларга мурожаат этадиган бўлса, ўтган йилнинг март ойида республикамиз бўйича 700 га яқин йўл-транспорт ҳодисаси рўйхатга олинган эди...

Ўтган йилнинг март ойида болалар иштирокида 186 та йўл-транспорт ҳодисаси содир этилиб, 160 бола тан жароҳати олган эди...

фармойиш чуқур ўрганилди ва ойликни ўтказишга астойдил киришилди...

Шундай бўлса-да, мамлакат бўйлаб давом этаётган тадбир моҳиятини англаб етмаган ҳайдовчи пиёдалар ҳам топилиб турди...

Харакат хавфсизлиги ойлиги якунланди. Унинг самараси юқорида айтилган ютуқлар билангина ўлчанамайди...

Раҳмонали ҚОСИМОВ, Республика ИИБ ДАВ Бош бошқармаси катта инспектори, милиция майори.



МАШАҚҚАТЛИ МЕҲНАТ МЕВАСИ ТОТЛИ БЎЛАДИ

дейди «Тадбиркор - 97» танлови совриндори Тожимирза НУРИЕВ

Хусусий мулк, таъбир жоиз бўлса, ҳақиқий мулкдир. Тожимирза кундан-кун, йилдан-йил мулкка мулк қўшди...

амалга оширишга имконият излайверди... Президентимиз фермерчилик ҳаракати ҳақида сўзлаган нутқларида мамлакатимизда ҳам йирик хусусий хўжаликлар бўлиши ҳақида ўз мулоҳазаларини билдирган эдилар...

ниб, галвир сувдан кўтарилганда харажат ва даромадлар ойдинлашди. Соф даромад 2 миллион 138 минг 600 сўм бўлди...

келиб хўжаликда 376 киши меҳнат қилмоқда. Янги-янги иш ўринлари ташкил этиляпти. Бобохурсон қишлоғидаги фаолияти тўхтаб қолган тайёрлов-сотув корхонасини қарзлари билан сотиб олиб, мева-сабзавотларни қайта ишловчи цех қуришга киришди...

очилган. Масалан, томорқа майдонлари анча кўпайди. Қайтими эса озроқ бўляпти. Сабаби, деҳқон олдига бориб, бизга у ёки бу маҳсулотни етказиб беринг, дегучилар йўқ...

Ўтган йили танлов ғолиби бўлган Т. Нуриева 12 миллион сўмлик имтиёзли кредит ажратилиши ҳақида сертификат берилган эди.

— Танловдан буюн қарийб бир йил ўтибди, — дейди Тожимирза, — Агарда кредитни вақтида олганимизда қанча масалалар ўз ечимини топан бўларди...

Марҳаматлик деҳқон-фермер Тожимирза Нуриев фаолияти билан танишган шунга амин бўлдикки, унинг қалбида «Элим деб, юртим деб ёниб яшаш керак», деган чўб бор. Тадбиркорнинг кечяги, бугунги ишлари ва эртанги кунги ниятлари бунга ёрқинлик бахш этиб турибди.

Қ. АСКАРОВ, СУРАТДА: Т. НУРИЕВ.



ЕР ТҮЙМАСА, ЭЛ ТҮЙМАЙДИ, ДЕЙДИ ХАЛҚИМИЗ. ЕРНИНГ ҲАР ҚАРЧИДАН УНУМИ ФЙДОЛАНИШ, УНДАН МҮЛ-КҮЛ МАХСУЛОТ УНДИРИШ ОДДИ ДЕҲҚОНДАН ТОРТИБ, ТО РАҲБАРЛАРГА БЎЛГАН МИНГЛАБ КИШИЛАРНИНГ, МУТАХАССИСЛАРНИНГ САМАРАЛИ МЕҲНАТЛАРИ, АМАЛДАГИ ҚОНУН-ҚОНДАЛАРГА ТҮҒРИ ЁНДАШИШ, УНГА ТҮЛА АМАЛ ҚИЛИБ ФАОЛИЯТ ЮРИТИШЛАРИГА БОЛИК.

Сирдарё вилоят прокуратураси мана шу ҳаётини мангитққа суяниб қишлоқ хўжалигида ишловчи раҳбар кадрларнинг ўз бурчларига, вазифаларига қай йўсинда ёндашаётганликларини мунтазам равишда таҳлил этиб келмоқда...

бўлди. Хўш, унинг бу хурмача қилиги кимга наф келтирди? Ҳеч кимга! Бу ноқонуний хатти-ҳаракат хўжаликдаги иқтисодий тангликни янада кучайтиришга хизмат қилди, ҳоло...

тилган 130000 сўмлик векселни Боёв туманидаги «Орзу» хусусий фирмасига бошқа мақсадларда фойдаланиш учун бериб юборган. Мирзаобод туманидаги Т. Аҳмедов номи жамоа хўжалигида ўтказилган текшириш агроном-энтимолог Э. Кубаевнинг низоҳатда «саховатли одам» эканлигини очиб ташлади...

маҳсулот» ҳиссадорлик уюшмаси тизимидаги корхонадан билан санацияга тушган Ховос туманидаги «Навбахор», Сирдарё туманидаги «Малик» ширкатлар уюшмаси ва Гулистон туманидаги Мирзо Улуғбек номи жамоа хўжалиги ўртасида тузилган шартномаларда талай камчиликлар борлигини аниқлади...

СОВУҚҚОНЛИК...

ЁКИ ЕНГ ИЧИДА ИШ КҮРИБ, ДАВЛАТ ХИСОБИГА ХОТАМТОЙЛИК ҚИЛАЁТГАН РАҲБАРЛАР ХУСУСИДА

У баҳоси 417 минг сўмлик қорамолчилик фермасини сохта хужжатлар билан ўз акиси номига хусусийлаштириб, хўжаликка жиддий зарар етказди. Бундан ташқари, А. Расулов ўз мансабинин суиистеъмол қилиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил 12 май ва 1996 йил 21 январь кунин эълон қилинган тегишли Фармонларидан яхши хабардор бўлгани ҳолда 510.700 сўмлик маҳсулотга олинган 15 фойзлик тўлов суммасини олмасдан туриб жўнатиб юборди ва бугунги кунда ҳам бу пул хўжалик ҳисоб рақамига келиб тушмаган...

9 та хўжаликнинг ички аҳволини, дебитор ва кредитор қарзларини синчиқлаб таҳлил қилиб чиқдилар. Натижада 9 та хўжаликнинг 31952400 сўмлик дебитор қарзлари ундириб берилди. Бу муҳим иш бугунги кунда ҳам босқинча-босқинча давом эттириляпти. Санацияга тушган 9 та хўжаликнинг уч нафар раҳбари устидан ҳозирги кунда жиноий иш қўзғатилган...

Гулистон туманидаги Мирзо Улуғбек номи деҳқон-фермер хўжаликлари бирлашмаси раиси Н. Тўхтамишев 1995-97 йиллар давомида ишнинг тўғри ташкил этилмаганлиги, уқувсизлиги оқибатида тарқатиб юборди. Мана шу битта ноқонуний хатти-ҳаракат туфайли хўжалик 414623 сўм моддий зарар кўрди. Сув, ўғит, техника, ёнилги-моилаш материаллари беҳуда сарфланди, «Навбахор» ширкатлар уюшмаси ўтган йилда давлатга пахта сотиш йиллик режасини шармандаларча барбод этди. Бугунги кунда қамоқда ўтирган Х. Насриддинов ўз қилмишининг қонунга эид эканлигини албатта яхши биларди. Лекин у енг ичида иш қўриб, сохта оёру ва мўмай даромад орттирмоқчи...

Санацияга тушган қишлоқ хўжалик корхоналари билан тайёрловчи ташкилотлар ўртасидаги 1998 йил қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини харид қилиш бўйича тузилган контрактация шартномаларининг қонунийлиги ўрганиб чиқилганда ҳанузгача хўжалик ва тайёрловчи корхоналар раҳбарлари бозор иқтисодиёти қонун-қондаларини яхши билмасликлари маълум бўлди. Бундай саводсизлик, мендан кетгунча эгасига етгунча қабилдаги хўжакурсинга иш юритиш усули билан асло келишиб бўлмайди. Прокуратурамиз «Сирдарёдон-...

«ИННОВАЦИЯ-98»

Фаргона шаҳрида республика ёшларининг «Камолот» жағмармаси ташаббуси билан «Инновация-98» халқаро илмий-анжумани ўтказилди. Буюк аллома Аҳмад ал-Фарғоний таваллудининг 1200 йиллигига бағишланган ушбу тадбирдан қўзғаланган асосий мақсад — иқтидорли ёш олимларни излаб топишдир...

Икки кун давом этган ушбу анжуманда «Қишлоқ жойларида санаяти ривожлантириш муаммолари ва истиқболлари», «Ўзбекистон енгил санаятида техника-технология тараққиётининг айрим иқтисодий кўрсаткичларга таъсири», «Бозор иқтисодиётига ўтишнинг ҳудудий муаммолари» каби мавзуларда маърузалар ўқилди. Тадбирда Франциянинг Пьер ва Мария Юри халқаро ҳамкорлик университети олимлари иштирок этдилар. Н. УСМОНОВА.

«МАСТЕР-ПРЕСС» фирмаси

Ўзбекистон рўзномалари, халқаро ва Россия журналлари ҳамда бошқа оммавий ахборот нашрлари



Филиал: Тошкент ш. Усмонов Юсуфов кўч. 1А. («Динамо» дўқони қаршида). Телефон: (3712) 41-50-10. Агент хизмати бепул!!!

МУҲТАРАМ ДЎСТЛАР!

Ўзбекистон Республикаси Халқ банки ва Халқаро Амир Темур хайрия жағмармаси томонидан чиқарилган «Хазина-3» хайрия лотереясининг ютуқлар тиражи таъсисчилар ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан шу йил 25 июнга қўйилди. Лотерея билетларини Ўзбекистон Республикаси Халқ банкининг барча бўлимларида, газета дўқонларида, жамоатчи тарқатувчилар томонидан...

сотиш давом этмоқда. Тиражда 45 миллион сўмлик ёки 227225 та ютуқ бор. Бу лотереяни 50 сўмга сотиб олиб, Сиз катта нарса йўқотмайсиз, балки 1,0 ман. сўмгача ютуқ эгаси бўласиз!

«Хазина-3» хайрия лотереяларини сотиб олишга шошилинг! Сизга омад тилаймиз!

«Ўзгросуғурта» ДАСК акциядорлари диққатига!

«Ўзгросуғурта» давлат акциядорлик суғурта компанияси 1998 йил 11 май кунин соат 10.00 да Тошкент шаҳар, Лутфий кўчаси 18 - уйда жойлашган бошқарувиши маъмурий биносинда жамият аъзоларининг умумий ҳисобот мажлисини ўтказди.

- 1. Йилгилиш регламентини тасдиқлаш. 2. Компаниянинг йиллик ҳисоботини, бухгалтерия балансини, Фойда ва зарарлари ҳисоботларини тасдиқлаш. 3. Компания аудиторини тасдиқлаш. 4. Компания фойдасини тақсимлаш. 5. Компаниянинг 1998 йилдаги маҳсул фойдаларга ажратмалар миқдорларини тасдиқлаш.

Йилгилишда қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар рўйхати 1998 йил 10 апрель ҳолатига кўра тузилади. Қатнашувчилар соат 9.00 дан 9.45 гача рўйхатга олинади. Рўйхатдан ўтиш учун шахсини тасдиқловчи ҳужжат бўлиши шарт.

Акциядорлар вакилининг йилгилишда иштирок этгани учун ҳуқуқий шахсларда ташкилот раҳбари имзолаган, жисмоний шахслар учун эса нотариал идора тасдиқлаган ишонч қозғаш бўлиши керак. Акциядорлар умумий йилгилишга ўтказиш бўйича тайёрларлик маълумотлари (материаллари) билан компания бошқарувиши 207-хонасида танишишлари мумкин.

Маълумот учун телефонлар: 76-92-41, 76-92-38, 76-97-75.

1998 йил — ОИЛА ЙИЛИ

АЛОМАТДА... АЛОМАТ ХОНАДОН БОР...

Халқимиздан айланай, шу - ўзбекчиликнинг меҳр-оқибатга ва ҳурмат-эҳтиромга йўрилган ажойиб урф-одатлари ва анъаналари бор-да! Дейлик, тасодифми ёхуд хизмат юзасиданми, мустақил ва беназар юртимизнинг қай бир қишлоғига йўлингиз тушиб қолса борми - рўбару келган ҳар қандай хонадон сизни бир пиёла чойга таклиф этади. Топган-тутганини ўртага қўяди. Бу илтифот - шарқона, бу илтифот - ўзбекона бир сийловки, бундан фахрланмасдан, гурулланмасдан иложингиз йўқ.

Биз Аломат қишлоғидаги деҳқон-фермер Абдуқошим Аширов хонадонидан ўзбекча сийловнинг худди шу манзарасига дуч келдик...
Дарвоқе, Самарқанд вилоятининг Иштихон туманида Мурод Жўраев номли дондор хўжалик бор. Айтиш керакки, бу жамоанинг тарихи ва бугунги жўшқин ҳаёти марҳум Мурод ака Жўраев номи ва шаъни билан боғлиқ. Бу инсон кўп йиллар раҳбарликнинг нуфузли погончаларида самарали фаолият кўрсатган, деҳқончиликнинг пириларидан бири бўлиб танилган. Тўқайзорда ва боққоқдаги ерларни улаштириб, шу ерга «Халқобод» номи билан хўжалик тузган. Кекасаларнинг айтишича, хўжалик пой-деворининг биринчи ғиштида Мурод ака Жўраевнинг табаррук бармоқ излари бор.
...1997 йилнинг кузида, пахта йигим-терими айни қизғин тус олган паллада биз хўжалик бошқаруви раиси Абдумўмин Жўраев ва бошқа мутахассислар билан биргаликда дала айландик. Пайкалларда ҳосил мўл, сурьат авжига, хўжалик деҳқонларининг кайфияти ўзлари тиклаётган хирмонларидан сарбаланд эди.
Бултур бу хўжалик деҳқонлари 1,400 гектар ерда пахтадан мўл ҳосил етиштиришди. Режадаги 3.190 тонна ҳосил ўз муддатда йиғиштириб олинди. Йиллик пахта таёрлаш режаси ортиги билан адо этилди. Бош ҳисобчи Юсуфжон Қўчқоровнинг айтишича, муваффақиятга ўйлаб деҳқон-фермер хўжаликларини ва бундан ташқари 300 дан зиёд оилавий звенолар муносиб улуш қўйишди. Катта хўжаликнинг залворли юки ана шундай ажойиб шундай иккита оила борки, на-сиб эгаси, бутунқоқ улар ҳузурига бориб гурунлашамиз. «Даврон Ашурий» ва «Азамат Мирзо» деҳқон-фермер хўжаликларини фаолиятини ҳар томонлама ўргатгангиз арзийди. Ҳосилдорлиги юқори. Улар намунали оила сифатида ҳам эл орасида обрў-эътибори баланд. Хуллас, бу оилаларда деҳқон кут-баракаси бисёр.
— Қишлоғимизда 80 га яқин оила бор, — дейди «Даврон Ашурий» деҳқон-фермер хўжалиги раиси Абдуқошим Аширов. — Хонадонларимизнинг ҳаммаси аҳил.
— Сизга уч йил бригадирлик қилган, дея таъриф бердилар.
— Ҳа, асли «бригадирлик туни»дан чиққан деҳқон-фермер десангиз ҳам бўлади. Асли мутахассислигим - ер тузувчи. Деҳқон-фермерлик фаолиятимизни 1997 йилдан бошладик. Қўқламда 6 гектар ерга «Фаргона-3» намини танлаб

эдик. Чигитни апрель ойининг ўрталарида, 1,5 кунда экиб бўлдик. Жамоа хўжалигимиз бошқаруви уруғлик, техника ва ёнилғидан қарашди. Хўжалик тракторчиси Бахтиёр Мусуронов чигитни сифатли қилиб экиб беришда алоҳида жонбозлик кўрсатди. Нега буларни айтаялман?! Демокриманки, аҳиллик бор жойда - ҳаммаша кут-барак бор, меҳр-оқибат одамларни эзгу ишларга даъват этиб туради.
— Оилангиз аъзолари кўпчилиكمи?
— Худого шукр, 7 нафар фарзандимиз бор. Умр йўлдошим Саодатхон билан уларни ҳаюл ризқ ила вожага етказдик. Ҳар бир ота-она фарзандларим, дейди. Меҳрини, муҳаббатини, хуллас, бугун ҳаётини уларга бағишлайди. Илоё, барчаси соғ-омон бўлсин.
— «Даврон Ашурий» деҳқон-фермер хўжалиги бир йилнинг ўздаёқ оилангизни элга танитди-да...
— Боя айтганимдек, аҳилликка нима етсин! Ўтган йилнинг 6 октябрда 6 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 33 центнердан ҳосил йиғиб олиб, режани муддатидан илгари бажардик. Ҳамма ҳосил ўз кучимиз билан йиғиб олинди. Янги усул - плёнка остига чигит экишнинг ҳадисини анча улаштириб олдик. Ҳосилимизнинг 90 фоизи энг юқори навларга қабул қилинди. Йил якунида ҳосилдорлик гектар ҳисобига 45 центнерга етди.
— Ҳўш, муваффақдорлик масаласи қандай?
— Йилни 150 минг сўм соф фойда билан якунладик. Янги техника сотиб олиш ниятимиз бор. Олдимизда тўйлар турибди.
...Биз Аломат қишлоғида «Азамат Мирзо» деҳқон-фермер хўжалиги аъзолари билан ҳам танишдик. Унинг раиси Азамат Муродов ҳали ёш, ғайратли. Умуман, бу ерда истиқомат қилаётган Суюн Муродовлар оиласи ҳусусида ҳикоя қилиш марақти. Оила бошлиғи Суюн ака, у кишининг умр йўлдоши Хурсанд опа уч келин тушириб, бир қизини турмушга узатишган. Суюн ака 35 йил тракторчилик қилиб, суғи меҳнатда қотан эмасми, бу хонадонда эзгулик анъанаси устувор. Мўмин-қобил фарзандлар сафида ўқитувчи, механизатор, молбоқар, талаба ва ўқувчига - ҳаммасидан бор. Келинлар ҳам олтин узукка ёқут кўздай оиллага жуда мос.
— Бултур 5 гектар ерда пахта экиб, деҳқончилик қилдик, — дейди таърибали механизатор Суюн ака Муродов. — Натيجا юқори бўлди. 45 центнердан хирмон уйдик. Фарзандларимиз билан бир тан-бир жон бўлиб меҳнат қилганимизнинг самараси бу!
Дарвоқе, бу икки хонадон аъзоларининг бу йилги ниятлари ҳам чақки эмас. Улар ҳам иш-лаятти, ҳам турмушларини яхшилаётти. Бугунги кунда улар тасаруфийдаги далалар уйдоқ. Соҳибни уйдоқнинг даласида ҳам жўшқинлик мавж урса, не тонг!

Абдулла ТУРДИЕВ.

Болам, боққил осмон қадар зур -

Дунё сенинг

қўзингдайин кенг,

Болам, Сендай тоза,

беғубор

Дунё Сенинг ёшнинг

билан тенг

Болам, юртга

звлоллак инди,

Бизнинг борур

йўлимиз ўша...

Менинг кўлим

каатлаик қилса,

Сен осмонни қучоқлаб

яша...

Тўлқин КАРИМОВ сурат-лаҳзаси.



ЎЗБЕК РАССОМЛАРИНИНГ МУВАФФАҚИЯТИ

Бангладеш пойтахти — Даккада Осий ва Тинч океани минтақаси давлатлари тасвирий санъат намуналарининг саккизинчи халқаро кўргазмаси бўлиб ўтди. Унда 35 давлатдан 700 дан ортиқ рассомнинг асарлари намойиш этилди.

Ўзбекистон Бадий академияси ҳам кўргазмага бир қатор асарларни тақдим этганди. Улар орасида машҳур ўймакор уста Мухаррам Иброҳимова, рассомлар Неймат Қўзибоев, Фағур Абдурахмонов, Акмал Нуриддинов, Шоира Қўзиева, Ортиқали Қозоқов, Даврон Мухиддиновнинг ижоди намуналари бор эди.

Натيجا ёмон бўлмади. Беш нафар рассомимиз кўргазма лауреати бўлди. Ортиқали Қозоқов билан Фағур Абдурахмонов эса анжуманинг махсус дипломи билан тақдирланди. Ўзбекистонлик ижодкорларнинг тўққизта асари кўргазманинг бош каталогига киритилди.

Б. МАНСУРОВ.

Сеул шаҳрида Девис кубоги учун Осий ва Океания зонасининг биринчи гуруҳида Жанубий Корея ва Ўзбекистон теннисчилари ўртасида иккинчи давра ўйини бўлди. Унда мамлакатимиздан Олег Огородов, Вадим Куценко, Дмитрий

ТЕННИСЧИЛАРИМИЗ ГАЛАБАСИ

Томашевич ва Темур Ганиев иштирок этди. Ўзбекистонлик спортчилар Жанубий Корея теннисчиларини 3:1 ҳисобида мағлуби-

ятта учратиб, жаҳон гуруҳига чиқиш учун курашни давом эттириш ҳуқуқига эга бўлдилар. (ЎЗА)

Эркақлар бақувват бўлиши керак
СТАМИНА
Шаҳар дорихоналарига мурожаат қилинг.

ECO LOT
«ЭКОЛОТ» қўшма корхонаси 40 сўмлик республика лаҳзали пуллик лотерейаси сотилиши якунлангани ҳақида эълон қилади.
Шу серияга мансуб бўлган ютуқли чипталарни тўлов учун 1998 йил 1 октябргача қуйидаги манзилга топшириш мумкин:
Тошкент шаҳри, А. Тўқай кўчаси, 1.
«ЭКОЛОТ» Қ.К. 6-қават.
«ЭКОЛОТ» Қ.К. маъмурияти.
Телефонлар: (8712) 34-53-30, (8710) 133-06-65.

ЮРТ ТАЯНЧИ

Маданият ишлари вазирлигининг Болалар бадий ижодиёти республика марказида Оила илгига бағишлаб бир йўла икки кўргазма очилди. Уларнинг бири «Оила табииатининг шох асаридир» деб номланган. Унда марказ студияларида қатнашаётган ёш истеъодларнинг тасвирий ва амалий санъат турлари бўйича асарлари намойиш этилмоқда. Иккинчиси — рассомлик студиясининг аъзоси, ёш мусаввир Форуза Эркабоевнинг «Оила — мустақил юрт таянчи» деб аталган шахсий кўргазмасидир. Ёш ижодкор Тошкентдаги 319-мактабнинг 8-синфидан ўқийди. Бир неча йилдан бери таниқли рассом Ваҳоб Зиев раҳбарлигида касб сирларини ўрганмоқда.

Тошкентдаги Вакцина ва зардоблар илмий-тадқиқот институтида ноёб дори — иммуномодулин ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Мустақил Ўзбекистонда иختиро этилган бу ноёб дори саломатликни тиклабгина қолмай, умри ҳам узайтиришга қодир.
... Касалликка чалинган пайтларимизда танамизда қандай жараён кечаётганини тасаввур қила олмаيمиз. Иммуно тизимининг ўзининг ҳимоя вазифаларини бажарган ҳолда, юқумли касалликларга қарши кураш бошлайди. Бу кураш натижасида иммуно тизимини бошқарувчи ҳужайралар соғи қамайиб, уларнинг фаолияти пасаяди.
Сурункали касаллик иммуно реакцияларини назоратдан чиқариб юбориши ҳамда бунинг оқибатига беморнинг туқималарини парчалайдиган иммунопатологик механизмнинг «нишга тушиши» бундан ҳам хавфлидир. Бу жараён сил,

СОҒЛИҚ ТИКЛАНИБ, УМР УЗАЯДИ

юқумли сариқ, саратон, пневмония, яра касалликларини, СПИД ва бошқа катта касалликларни кўзайди.
Бундай вазиятда иммуно тизимини кучайтирибгина қолмай, шу билан бирга, иммунопатологик жараённи тўхтата оладиган дориғана киши жисминини омон асраб қолиши мумкин.
Немис ва рус олимлари бу муаммони ҳал этишга уриниб, тимостимулин ва тақтининг деб ном берилган дориларни кашф этишган. Уларни тайёрлашда ҳайвонларга чўзиқ без сифатида маълум бўлган тимуздан фойдаланилган.
Бу дорилар иммуно тизимини кучайтиради, лекин иммуно жараёнларини тартибга солмайди. Гап шундаки, иммуно тизимнинг асосий органларидан бири бўлган тимуснинг фаол-

лиги бевосята унинг ёшига боғлиқ. Барчага тушунарли тилда айтсак, тимус қанча ёш бўлса, у қонга ажратадиган иммуно тизимга солувчи моддалар таъсири шу қадар самарали бўлади. Киши жисмининг эса, юқумли касалликлар ва иш-ларга қаршилиқ кўрсатиш қобилияти шу қадар юқори бўлади. Шундай экан, ҳайвон наслидаги тимус энг юқори фаолигига эга бўлиши керак.
Ўзбекистонлик олимларда бу савола жавоб топилш учун ноёб имконият мажбул. Чунки фақат бизнинг мамлакатимиздагина қорақўлчилик яши йўлга қўйилган бўлиб, ундан самарали фойдаланилади. Олимлар Нелли Муҳаммадурова, Нина Гурарий, Элмира Мирхамолова, Татьяна Петрова, Болтабий Қаҳоров, Ноила Салдиева академик Раҳим Ҳайитов ва про-

фессор Феруз Фарид раҳбарлигида тадқиқот ўтказиб, бундай қўзичоқлар тимусидан фойдаланишди.
Илмий изланишлар натижалари кутилганидан зиёда бўлди — эмбрион даражасида тимуснинг фаолияти шу қадар юқори эканки, ундан дори сифатида фойдаланиши иммуно тизимга солишга имкон беради экан.
Шу тариқа, Тошкентдаги Вакцина ва зардоблар илмий-тадқиқот институтида Фан ва техника давлат қўмитаси ҳамда «Соғлом авлод учун» халқаро жағғармаси ёрдамида иммуномодулин деб ном берилган дори ирлатилди.
Бу дори иммуно тизимга солувчи ҳужайралар фаолиятини тиклашни, қон ҳосил бўлишини кучайтириши, жигар ферментлари фаолиятини ошириши, захар таъсирини қамайти-

риши, эндокрин органларига ижобий таъсир қилиши билан ҳам ноёбдир.
Имуномодулин иммуно тизимини кучайтирибгина қолмай, иммунопатологик жараёнларини тўхтатади, иммуно тизимини фаолиятини тиклайди, яъни, ҳақиқатан ҳам киши жисмининг касалликларга қарши кураша олиш қобилиятини кучайтиради.
Янги дориининг зарарли таъсири йўқ. У ҳатто шамолдаганда ҳам фойда қилади, юқумли сариқ, сил касалликларини, яра ва таносил касалликларини, шив ва бошқа хасталикларни даволашда жуда яхши самара беради.
С. ТЕН, ЎЗА мухбири.

ЎҚИНГ, ҚИЗИҚ ЧЕВАРЛАР КЎЛИДАГИ НОЁБ МАШИНА

Анджон вилоятининг Бўз тумани марказида Наврўзга бағишлаб таъкил этилган ҳунармандлар ярмаркасида чевар Мунаввархон Камолова тиккан буюмлар мутахассисларнинг юқори баҳосига сазовор бўлди. Унинг қўлидан чиққан сўзана, дастурхон, келинлар уйини безатадиган бошқа миллий буюмлар нафислиги ва чиройлиги билан ҳаммамнинг эътиборини жалб қилди.
Мунаввархон бу буюмларни онаси Иноятхон опа Мирзиева совға қилган оддий тикув машинасида тиккан. Иноятхон опага эса, тикув машинаси онасидан мерос қолган. Машина 1878 йилда Парижда ясалган бўлиб, 120 йилдан бунён Бўздаги чеварларнинг бир неча авлодига хизмат қилмоқда.
Ҳозир бу машинада Мунаввархоннинг қизи Нафисахон ишлаб, чеварлар анъанасини давом эттирмоқда.
К. НИЗОМОВ, ЎЗА мухбири.

ЎПИК-ХУСУСИЙ АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИ
«Parvina-Bank»
Тошкент шаҳар бўлими шунинг маълум қиладиги, 1998 йилнинг 1 апрелидан бошлаб, жисмоний шахслардан нақд ҳорижий валюталарни банк омонатларига қабул қилиш ва шу қўйилган нақд ҳорижий валюталарни Ўзбекистон Республикасидан олиб чиқиб кетишга руҳсат беролган ҳужжатларни расмийлаштириш хизматларини кўрсатади.
Манзилгоҳимиз: «Мустақиллик» майдони, 2. (ОТЖ «Техноло» биносининг қошида)
Телефон: 139-48-88, 139-12-88.

ХАЛҚ СҮЗИ
НАРОДНОЕ СЛОВО

Бош муҳаррир
Аббосхон УСМОНОВ
МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Кенгаши ва
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

БЎЛИМЛАР:
Парламент 133-57-34;
Хукук ва қонунчилик 136-07-94;
Иқтисодий 136-36-65;
Қишлоқ хўжалиги 136-37-85;
Маълумот 136-35-60, 132-10-65;
Хатлар 136-29-89, 133-07-48;
Фан, турмуш, спорт ва ҳарбий автотелеравлик 132-12-08;
Халқаро хабар 132-11-15;
Копиялар 133-10-28;
Эълонлар 136-09-25.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 0001
Бухорима Г — 011138, 42797 нуқсадда босилди.
ҳажми — 2 лавҳа, Офсет усулида босилган.
Қозғоқ бичими А-2
Газета ИВМ компьютерда терилди ва операторлар Рустам АЗИМОВ ва Сергей ЛУКИН томонидан саҳифаланди.

С. МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — М. Сафаров.
Навбатчи — Т. Абдурахмонов.
Мусаввир — Ш. Машираббоев.